O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 30 июль № 158 (3433) Жума


## Комиссия мажлиси

***ТРАСЕКА лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, "Ўзавтойўл" давлат акциядорлик компанияси раиси Р.Юнусов бошқарди.***

Мажлисда ТРАСЕКА дастури доирасида Ўзбекистон иштирокида амалга оширилаётган лойиҳалар ижроси, республика вазирлик ва идораларининг янги лойиҳалари устида иш олиб бориш масалалари кўриб чиқилди, Миллий комиссиянинг самарали транспорт тизимини ривожлантириш бўйича стратегияси, мамлакатимиз транспорт йўлаклари истиқболлари муҳокама этилди.

Ташқи бозорда транспорт хизматлари рақобатбардошлигини ошириш, транзит сиёсатини ривожлантириш муаммоларига катта эътибор қаратилди, ТРАСЕКА йўлаги ҳамда бошқа минтақавий ва минтақалараро транспорт йўлаклари фаолияти хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

ТРАСЕКА дастури бўйича қилинган иш натижалари кўриб чиқилди.

Унинг доирасида ҳозирги вақтда 4 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Бу Сурхондарё вилояти ҳудудидаги "Термиз-Ғалаба" темир йўл участкасини реконструкция қилиш ва ускуналар етказиб бериш" лойиҳасидир. Иккинчи лойиҳа — "Транзит ташишлар учун умумий ҳуқуқий база". У 13 мамлакатда амалга оширилмоқда ва 2004 йил ноябрида якунланади.

Кейинги иккита лойиҳа "Транспорт тармоғи раҳбар ходимлари малакасини ошириш" ва "Марказий Осиё темир йўллари тикланиши шарҳи". Тўртта лойиҳанинг умумий бюджети 7,5 миллион еврони ташкил этади.

Мажлис якунларига кўра ТРАСЕКАнинг Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ишчи гуруҳини ташкил этишга қарор қилинди. Унга давлат органлари, агентликлар, қўмиталар, вазирлик ва идоралар вакиллари киритилади.

**Ж. РАУПОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Хабарлар оқимидан

### *Вилоят хотин-қизлари конференцияси*

Жиззах вилоят хотин-қизларининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 2002-2004 йиллардаги фаолияти ҳисоботи ҳамда аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг оиладаги, жамиятдаги ҳамда давлат қурилиши соҳасидаги вазифаларни бажаришдаги ролини ошириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда С. Тўйчиева вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси этиб қайта сайланди.

Тадбирда вилоят ҳокими У. Яманқулов иштирок этди.

**Б. САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

### *«Экосан»да учрашув*

«Экосан» халқаро жамғармасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Навоий ва Бухоро вилоятларига юборган "Саломатлик ва мурувват поезди» Тошкентга қайтиб келди. Тошкент шаҳридан 15 нафар малакали шифокор ва мутахассислар Навоий вилоятининг Конимех, Томди, Учқудуқ, Зарафшон туманлари, Карак ата, Қулумбет сингари ўнлаб аҳоли пунктлари ҳамда овулларда 3149 кишини тиббий кўрикдан ўтказдилар. Бухоро вилоятида эса 2500 нафар киши тиббий кўрикдан ўтказилиб, беморларга керакли маслаҳатлар берилди.

**М. ТОЖИЕВА.**

### *Ўқитувчилар маҳорати баҳоланди*

Урганч шаҳрида "Йилнинг энг яхши касб-ҳунар таълими ўқитувчиси" кўрик танлови ўтказилди. Унда вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ўзаро куч синашдилар. Танлов иштирокчиларининг касб маҳорати, давлат таълим стандартларига ижодий ёндошуви, ўқувчилар иқтидори ҳамда қобилиятини тўғри баҳолай олиш ва бошқа жиҳатларига алоҳида эътибор берилди.

Танлов якунларига кўра, Урганчдаги Политехника ва тадбиркорлик коллежи ўқитувчиси Д. Юсупова вилоятдаги "Йилнинг энг яхши касб-ҳунар таълими ўқитувчиси" деб эътироф этилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## ЯНГИ МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

***Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузурида Ўзбекистон — Корея ахборот технологиялари маркази очилди.***

Замонавий ахборот технологиялари тараққиётнинг муҳим омилидир. Шуни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз ҳукумати ахборот технологияларига ва улардан унумли фойдаланадиган кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Янги очилган марказ ана шу йўналишдаги фаолиятнинг самарадорлигини янада ошириш учун хизмат қилади.

700 минг АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган ушбу лойиҳа Жанубий Кореянинг халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) иштирокида амалга оширилди. Бу маблағ ҳисобидан марказ замонавий асбоб-ускуна, компьютерлар билан таъминланди. Унда турли йўналишдаги тайёрлов курсларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Марказнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директори Абдулла Орипов, KOICA президенти Ким Сок Хён мамлакатларимиз ўртасида тобора ривожланиб бораётган кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари ахборот технологиялари соҳасини ҳам кенг қамраб олаётганини таъкидлади.

**(ЎзА).**



## Гул узишдан олдин гулзор яратадилар

*Поп туманидаги "Вазира" фермер хўжалиги раҳбари Ўктамой Эргашева фермерликка қўл урганида биров у деди, биров бу. Хусусан, "Аёл боши билан чўл, шўрхок ерда деҳқончилик қила олармиди?" дегувчилар кўп бўлди. Бироқ ўз аҳдига содиқ Ўктамой опа машаққат тошлари орасида фароғат гавҳари борлигини юракдан ҳис этган ҳолда, ёнига 7 нафар фарзандини қанот қилиб, Аччиққўл массивига отланди. Астойдил қилинган саъй-ҳаракатлар йил ўтмай ўз самарасини кўрсатди. 55 гектар ғаллазордан 53 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳозирда ҳам фермер хўжалиги далаларида иш қизғин. Улар 45 гектар майдондаги ғўзаларга зарур агротехник ишлов бериб, ҳосил чўғини ошириш ҳаракатида меҳнат қилишмоқда.*

**СУРАТДА: "Вазира" фермер хўжалиги бошлиғи Ўктамой Эргашева.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Демократик жамиятни қонунлар бошқаради

Ҳа, шундай. Қонунларни эса депутатлар тайёрлайдилар. Ўз навбатида депутатларни сайловчилар сайлайдилар. Демак, давлатни бошқаришда иштирок этиш сайловда фуқароларнинг нечоғли фаол қатнашишларига, уларнинг нима учун овоз беришларига ҳам боғлиқ. Ҳарқалай, эндиликда таваккалига иш тутадиган, юқоридан бериладиган кўрсатмани кўр-кўрона бажарадиган замон эмас. Сизу биз сайлайдиган депутат халқнинг, миллатнинг фикрини, орзу-умидини ифодаловчи, мамлакатнинг келажагини ўйловчи, элим деб, юртим деб ёниб яшовчи инсон бўлмоғи, шундан келиб чиқиб, тараққиётга хизмат қилувчи қонунлар яратишга ҳисса қўшмоғи керак.

Хўш, биз шунга тайёрмизми? Орамизда шундай одамлар борлигини биламизми?

Шу ва шу каби саволларга кеча Қашқадарё вилоят ҳокимлигида «Ўзбекистонда 2004 йилда эркин демократик сайловлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари» мавзуидаги минтақавий семинар-тренингда жавоб берилди. Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси Б. Мустафоев эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий, сўнгра Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси М. Абдусаломов парламент сайловларининг Конституциявий асослари ҳақида батафсил сўз юритдилар. «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бўлими раиси А. Сафаров эса маҳаллаларнинг сайловдаги иштироки қандай бўлиши лозимлигини айтиб ўтди. Вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ғ. Сафаров ўз сўзида сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги фаолияти ва уларнинг ҳуқуқий кафолатларига тўхталди.

Энг асосийси, семинар-тренингда савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар орқали сайлов қонунчилигининг турли жиҳатлари ойдинлаштириб олинди. Анжуман унда қатнашганлар учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Шунга кўра, улар бундай тадбирларни туманларда ҳам ўтказиш лозимлигини бир овоздан маъқулладилар.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## РЕСПУБЛИКА БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда прокуратура органларининг мамлакатда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан 2004 йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти якунлари ва келгусидаги вазифаларига оид масалалар муҳокама қилинди.***

Бош прокурор Р.Қодиров бошқарган йиғилишда прокуратура органлари ўзларига юклатилган назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида прокуратура органлари зиммасига қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижросини назорат қилиш, деҳқон ва фермерлар манфаатини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалигидаги суиистеъмолликларга барҳам бериш каби масъулиятли вазифалар юклатилганига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу боис кам рентабелли ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш, уларга ер ажратиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, тадбиркор манфаатларини ҳимоя қилиш ва ижтимоий соҳаларда қонунийликни таъминлашга қаратилган кенг кўламдаги тадбирлар изчиллик билан олиб борилаётир.

Фуқароларга иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, уларнинг иш билан таъминланиши ҳамда бошқа ижтимоий ҳуқуқларнинг кафолатланиши борасида йўл қўйилаётган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Ўтказилган текширишлар натижаларига мувофиқ 100 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, хизмат вазифаларини талаб даражасида бажармаган мансабдор шахслар интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди. Прокуратура органлари томонидан фуқаролар, юридик шахслар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини кўзлаб, судларга 31 миллиард сўмликдан зиёд 21 мингта даъво аризаси киритилди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар, ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик янада мустаҳкамланди. Натижада мамлакатимизда криминоген вазиятнинг барқарорлиги таъминланиб, оғир ва ўта оғир жиноятларнинг, шу жумладан, гуруҳ таркибидаги ҳамда рецидив жиноятларнинг камайишига эришилди.

Жиноят ишлари бўйича суриштирув ва терговнинг сифатини яхшилаш, тергов муддатларига қатъий риоя қилиш, эҳтиёт чораларини тўғри танлаш жазонинг муқаррарлигини таъминлаш имконини бермоқда. Судларда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш фаолияти асосан фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтириляпти.

Ҳайъат йиғилишида прокуратура органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларга ҳам эътибор қаратилди, уларни бартараф этишга оид вазифалар белгиланди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**




## ОЛИМПИАДАЧИЛАРИМИЗНИНГ ЮКСАК ОДИМЛАРИ

***Ўзбекистон спортчилари мустақиллик йилларида машаққатли, аммо шарафли йўлни босиб ўтдилар***

1991 йилнинг август ойи охирида нафақат янги давлат тарихи, балки Ўзбекистон деб аталган мамлакат спортчиларининг жаҳон спорт майдонларидаги мустақил иштироки ҳам бошланди. Шундай қилиб, мамлакатда олимпия ҳаракатига асос солинди. Бошқача қилиб айтганда, ўзбекистонликларнинг Олимпиада ўйинларида қатнашишини "марказ" ҳал этмасдан, халқаро қонун ва қоида асосида ташкил этилган, аниқ мақсадни кўзлаган миллий терма жамоа ўз бўйнига олди.

Умуман, мустақилликка эришгунга қадар Ўзбекистон вакиллари тўққизта Олимпиада ўйинларида иштирок этишган. Тўрт йилда бир марта ўтказиладиган мазкур мусобақаларда 45 нафаргина ўзбек спортчиси қатнашган холос. Бу ҳар бир Олимпиадада ўртача беш нафардан спортчи иштирок этган, дегани. Шунга қарамай, улар спортнинг 17 турида 31 та турли даражадаги медалларни қўлга киритишган эди.

1991 йилдан сўнг аҳвол тубдан ўзгарди. Биз барча қитъа ва жаҳон спорт майдонларида мустақил давлат сифатида қатнаша бошладик. Айтиш лозимки, шу кунгача спортчиларимиз ҳамма мусобақаларда мувоффақиятли иштирок этиб келишаяпти. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи кўпгина нуфузли турнирларда бошқа давлатлар байроқларидан кўра юқорироқ кўтарилди. Уимблдонда ўтган ёшлар ўртасидаги теннис турнирида Ирода Тўлагановaнинг муваффақияти, яқинда Триполи шаҳрида дунёнинг энг кучли гроссмейстерлари орасида юртдошимиз Рустам Қосимжонов қўлга киритган улкан ғалаба ана шулар жумласидандир.

Ўтган 13 йил давомида ўзбек халқининг миллий кураши жаҳон аренасига чиқди. У илк бор халқаро мақом олди, илк бор мамлакатимиз фуқароси халқаро кураш ассоциациясидек нуфузли спорт ташкилотига раҳбар бўлди. Бугун курашимиз бўйича бўлиб ўтаётган мусобақаларда сайёрамизнинг қарийб барча қитъаларидан энг кучли полвонлар қатнашишмоқда.

1992 йилда Барселонада бўлиб ўтган Олимпиадада спортчиларимиз Ҳамдўстлик терма жамоаси таркибида қатнашди. Унда Ўзбекистондан 17 спортчи иштирок этди. Улар олтита турли даражадаги медалларга сазовор бўлдилар. Жумладан, гимнастикачиларимиз Оксана Чусовитина ва Розалия Галиева, енгил атлетикачимиз Мария Шмонина олтин, штангачимиз Сергей Сырцов ва мерганимиз Анатолий Асрабоев кумуш, қиличбоз Валерий Захаревич эса бронза медалини қўлга киритди.

Мустақилликнинг дастлабки ўн йилида спортчиларимиз учта ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этишга муваффақ бўлдилар. Олимпиададан Олимпиадага уларнинг сафи кенгайиб, тайёргарлиги ошиб борди. Ва бу нарса изсиз кетмади. Халқаро спорт доираларида бу ёш мамлакатда спортга катта эътибор берилаётгани ҳақида бот-бот гапириладиган бўлди. 1996 йилнинг февралида Халқаро Олимпия қўмитаси қароргоҳи жойлашган Щвейцарияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Олимпия олтин ордени топширилди. Бу ҳақақатан ҳам, мамлакатимизда спортга бўлган алоҳида эътибор ва унда эришган ютуқларимизнинг халқаро эътирофи бўлди. Чунки бу орденга сазовар бўлганлар сони унчалик кўп эмас.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгунга қадар Олимпиада ўйинларида 45 нафар спортчимиз қатнашган бўлса, Барселона—1992, Атланта—1996 ва Сидней—2000 мусобақаларининг бош соврини учун 170 нафар юртдошимиз кураш олиб борди. Яна бир гап. 1980 йилда Москвада бўлиб ўтган

(Давоми 2-бетда).

## ЧЕМПИОН БИЛАН УЧРАШУВ

***2004 йилнинг 13 июли Ватанимиз спорти тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлди. Унинг беқиёс зафари барча шахмат мухлислари, спорт жамоатчилиги, бутун халқимизга катта қувонч ва ғурур-ифтихор бахш этмоқда.***

(Давоми 2-бетда).






## *Таълим ва ишлаб чиқариш ҳамкорлиги*

***«Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устахонасидир, агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда маҳкам тутмоғинг лозим» деган экан донишмандлардан бири. Ҳа, таълим-тарбия мамлакат ривожини белгилайдиган омиллардан биридир.***

***Республика Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони мактаблар, умуман, таълим соҳасида янги даврни бошлаб берди, дейиш мумкин. Унда асосий бандлардан бири сифатида мактабларни кўргазмали қуроллар, ўқув лабораториялари жиҳозлари билан таъминлаш қайд этилган.***

***Ана шу соҳага ихтисослашиб катта тажрибага эга бўлган «ЭЛ» очиқ турдаги акциядорлик жамиятини бугунги кунда нафақат республикамизда, балки хорижда ҳам яхши билишади. Билишадигина эмас, яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда.***



# «ЭЛ» МАКТАБЛАР ХИЗМАТИДА

"Эл" ОАЖнинг инновацион-ишлаб чиқариш фаолияти 1988 йилдан давом этиб келмоқда. У фаолиятининг аввалида қурилиш, кимё, тиббиёт ва бошқа халқ хўжалиги тармоқлари соҳасида янги технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишга ихтисослашди. 1997 йилдан эса Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини татбиқ этиш доирасида физика, кимё, биология, астрономия каби фан кабинетлари учун ўқув-лаборатория жиҳозлари, шунингдек, бошқа фанлар бўйича кўргазмали қуроллар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга ихтисослашиб бормоқда.

1988-2001 йиллар давомида республикадаги кўплаб мактаб, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг кимё, физика, биология ўқув-лаборатория хоналари, ўқув устахоналари айнан "ЭЛ" маҳсулотлари билан жиҳозланди. Умумтаълим фанлари бўйича ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рўйхати амалдаги ўқув дастурлари ва Давлат таълим стандартлари асосида тузилган ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан тасдиқланган. Ўқув материаллари, асбоблар ва кўргазмали қўлланмаларни оммавий ишлаб чиқариш республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази билан келишилган техник топшириқлар асосида амалга оширилмоқда.

"ЭЛ" 2000 йилдан бошлаб Бутунжаҳон ўқув материаллари ишлаб чиқарувчилари, ноширлари ва дистрбьютерлари ассоциацияси "WORLDDIDAC" (Берн, Швейцария)нинг аъзоси ҳисобланади. Бу ассоциация дунё бўйича 300 дан ортиқ етакчи корхоналарни бирлаштиради. МДҲ мамлакатлари ичида ушбу ассоциация аъзолигига қабул қилинган учта корхонанинг бири "Элхолдинг" саналади.

"ЭЛ" Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида маҳсулот турларини кўпайтириб бормоқда. Масалан, 1999 йилда 12 номдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2000 йилда 34, 2001 йилда 130, 2002 йилда қарийб 320 номдаги маҳсулот тайёрлайди. 2003 — 2004 йиллар давомида эса улар сонини тахминан 400 тага етказиш режалаштирилган. Мазкур жамият Ўзбекистонда биринчи бўлиб рангли, проекцион кўргазмали-услубий қўлланмалар (кодоскоплар учун шаффоф трансперенслар)ни ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Самарқанддаги ана шу нуфузли корхона чет эл фирмалари қаторида кимё, физика, биология, астрономия ва география ўқув хоналарини жиҳозлаш учун халқаро тендер савдоларида ҳам мунтазам қатнашиб келмоқда. Ўзбекистонлик иштирокчининг тендердаги ғолиблиги келажакда республикада ўқув-лаборатория жиҳозлари ишлаб чиқаришнинг ривожланишига қўшимча иш жойининг яратилишига ҳамда бюджетга валюта тушумининг кўпайишига имкон беради.

«ЭЛ» жорий йилда Россия Федерациясининг Москва шаҳрида ўз «Савдо уйи»ни ташкил этди. Бундан асосий мақсад — мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган рақобатбардош маҳсулотларни экспорт қилиш ҳамда корхона фаолиятини янада кенгайтириш учун Ўзбекистонга электрон жиҳозлар, комплектловчи материаллар ва технологияларни киритишдан иборат.

Ҳозирги вақтда "ЭЛ" Европанинг етакчи фирмалари (Didakta Italia Srl, ED. Edicational Enginering Didaktishe — Австрия), қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи ҳамда асосий саноат технологияларига ихтисослашган минизаводлар ва стендлар тайёрловчилар билан музокаралар олиб бормоқда. Бундай ҳамкорликдан мақсад — қишлоқ хўжалиги ҳамда технологик йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари, кейинчалик эса фермер хўжаликлари учун ҳам ишлаб чиқариш базасини яратишдир. "Worlddidak" халқаро ассоциациясининг ҳақиқий аъзоси сифатида "ЭЛ" «Ciha Didak Worlddidak — 2001» Бутунжаҳон ўқув материаллари кўргазмасига таклиф этилган ҳамда рўйхатга олинган. Мазкур халқаро форум чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни сезиларли даражада кенгайтиришга, шунингдек, таълим бўйича Шанхай иқтисодиёт зонаси департаменти вакиллари билан ўқув маҳсулотларини етказиб бериш бўйича Хитой тендерларида қатнашиш ҳақида музокаралар олиб боришга имкон берди.

Республикада фаолият юритаётган қатор ташкилотлар билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш натижасида эса "ЭЛ" 2004 йилда "ELXOLDING" очиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди.

Ҳозирда "Элхолдинг" ОАЖда ИСО — 9001:2000 халқаро стандарт бўйича сифат менежменти тизими жорий этилди.

## Бошқалардан ўзгача

Касб тақозоси ва кўргазмага қўйилган мактаб жиҳозларининг ўзимизда ишлаб чиқарилаётганига бўлган "шубҳа" мени кўҳна Самарқанд томон етаклади. Самарқандга келибоқ, "ЭЛ"нинг яқин ҳамкори — "Кинап" заводига йўл олдим.

Мазкур завод биносининг ярмини "Элхолдинг" сотиб олиб, фан кабинетлари учун ҳар хил жиҳозларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган экан. Бу ерда саксон нафардан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилишмоқда. Мени бу ерда ишчилар учун яратилган шарт-шароит ҳайратга солди. Тоза ва шинам иш жойларида махсус кийим кийган йигит-қизларни кўриб, ҳеч ҳам ишчиларга ўхшатолмадим. Уларнинг иш жараёнидаги моҳирона хатти-ҳаракатлари, ўз ишини жуда яхши ўзлаштирганларини кузатарканман, махсус лабораториялардаги ходимлар ёдимга тушди. Улардан бирини суҳбатга тортаман.

— Мен шунчаки ишлаётганим йўқ, бу ерни ҳар кун соғиниб келаман, — дейди ўзини Наргизахон деб таништирган ёш қиз. — Шаҳардаги махсус ўқув юртини битиргач, анча вақт ишсиз юргандим. Бу ерга келиб адашмаган эканман. Шарт-шароитни кўриб турибсиз, ишимиз ҳам жуда қизиқарли. Маошимиз чаккимас — 50 минг сўм. Биласизми, ҳатто корхонада бепул тушлик ташкил этилган. Бунинг устига, ишга келиб кетиш ҳам ишхона ҳисобидан — махсус транспорт ажратилган. Ана, бориб кўринг, дам олиш хонамиз қандай жиҳозланган! Тиббий ёрдам кўрсатиш хоналари ҳам ташкил қилинган. Хуллас, бундай ишхона билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Дарҳақиқат, корхонанинг қай бир ишчиси билан суҳбатлашманг, уларнинг «менинг корхонам, менинг жамоам» дея қайта-қайта ғурурланишига гувоҳ бўласиз. Бу бежис эмас, албатта. Заводнинг иккинчи қисмида эса бутунлай бошқача ҳолатни кўриш мумкин. Кўп йиллик тажрибага эга малакали ходимлар ойлаб буюртма кутиб, ишсиз юришлари, меҳнат шароитини кўриб, Юртбошимизнинг "Мулкни ўз эгасига бериш керак" деган сўзларининг юз карра ҳақлигиға яна бир бор гувоҳ бўлдим.

## «Бўлар экан-ку, офарин!»

Бу гапни республика «Ўзкўргазмасавдо» марказий залида ташкил этилган «Мактаб мебеллари ва жиҳозлари» кўргазмаси билан танишув жараёнида мамлакатимизнинг турли вилоят ва туманларидан ташриф буюрган тажрибали мутахассислар ҳамда маориф ходимлари айтишди. Бу кўргазма аввал республика ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ташкил этилган кўргазманинг мантиқий давоми бўлди. Унда республикамиздаги 40 га яқин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Очиғи, ушбу кўргазмада ҳам улоқ "Элхолдинг" компаниясида кетди. Сабаби — кўргазма умумий майдонининг учдан бир қисмини маҳаллий шароитда ишлаб чиқарилган ва чет элникидан ҳечам қолишмайдиган мактаб партасидан тортиб фан кабинетлари, лаборатория жиҳозлари, кўргазмали қуроллар ва тарқатма материаллар билан банд эди.

«ЭЛ»чилар кўргазмада чет эллик ҳамкорлари билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари намуналарини ҳам намойиш этишди.

Бугунги кунда мазкур компания ташқи бозорни ўрганиш, илғор технологияларни олиб келиш ва қолаверса, ташқи бозорга чиқиш борасида ҳам мақтовли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, Италия, Англия, Германия, АҚШ, Франция, Жанубий Корея, Хитой ва МДҲ мамлакатлари билан бу борада алоқалар фаол йўлга қўйилган. Германиянинг Leybold Didaktik GmbH компанияси билан эса қўшма корхона тузиш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

«Эл» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмасида бир гуруҳ ўқитувчиларнинг зўр қизиқиши, болаларча ҳайрат билан гоҳ партaларга ўтириб кўришидан, гоҳ лаборатория жиҳозларини, гоҳ юзлаб турдаги ўсимликлар намуналари қуритиб йиғилган гербарий тўпламларини муҳокама қилаётганидан мен ҳам ҳаяжонга тушдим.



— Мана бу гербарийларни минг йилдан бери орзу қиламан, — дейди ўқитувчи аёллардан бири ёнидаги ҳамкасбига. — Мактабда бўлмагандан кейин кўпларининг номини ўзим ҳам эсдан чиқарибман. Қанийди шуларнинг барини мактабга ололсак...

— Шундай кўргазмали қурол бўлганда эди, — дейди қашқадарёлик ўқитувчи З. Қодиров тўрт бурчакли махсус идишга ички аъзолари кўрсатиб жойланган балиқни қўлга оларкан. — Қаранг, мен, масалан, бунинг увилдириғи, бош суяги ёки жабраси нима эканлиги, қандай вазифа ўташини соатлаб тушунтираман, аммо натижа кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин. Агар мана шуни ўқувчиларнинг қўлига тутқазиб ўн минут изоҳласам, соатлаб меҳнатимизнинг самарасини берган бўларди, ишончим комил бунга.

— Избоскан туманиданман, — дейди яна бир ёш ўқитувчи суҳбатга қўшилиб. — Туманимизда бир мактабгина мана шу кўриб турган барча-барча жиҳозлар, физика, кимё лабораториялари, асбоб-ускуналарни тўлиқ олган. Бориб кўрсангиз, ўқувчиларнинг дарсга муносабати кескин ўзгарган. Айниқса, ўқитувчиларни айтинг. Ҳатто ўз устида ишламаган айрим ўқитувчилар бундай янги асбоб-ускунани ишлатолмай шошиб қолишган, — дея кулиб ҳам қўйди.

Бу ердаги хилма-хил, замонавий ўқув жиҳозлари беихтиёр мени ҳам ўзига жалб этди. Мактабгача тарбия муассасалари учун мўлжалланган бежирим жавонлар, турли шаклдаги ва турли мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган жиҳозлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Мактаб ўқувчилари учун мўлжаллаб ишлаб чиқарилган парталар, стулларни кўздан кечираман. Шакл, дизайн жиҳатидан жуда чиройли, сифатли ишланган, ўта пишиқ, айни пайтда енгил. Лекин уларнинг катта-кичиклиги тўрт хил кўринишга эга эди.

— Биласизми, биз ўқувчиларнинг ёши, жисмоний ҳолатини ҳисобга олиб, шундай йўл тутганмиз, — дейди "Элхолдинг" ОАЖ раҳбари ўринбосари Рустам Сатторов. — Ўқувчи ўзининг бўй-бастига мос бундай партада ўтирса толиқмайди, ўзини ноқулай сезмайди. Бу, албатта, уларнинг дарсни ўзлаштиришига ҳам таъсир этади. Кўргазмага физика, кимё, алгебра, она тили, биология каби ўн саккиздан ортиқ фан бўйича ранг-баранг плакатлар қўйилган.

Физика, кимё, биология фанлари бўйича алоҳида лабораториялар мажмуи тайёрланган. Тиббиёт ва биология фанларини ўргатиш учун шунчалик кўп кўргазмали қуроллар ишлаб чиқарилганки, ҳайратланмай иложингиз йўқ. Айтайлик, биология лабораториясида ўнлаб ўсимлик турларининг уруғлари кичик, чиройли идишларга жойлаштириб чиқилган. Уларнинг барглари, шохчалари алоҳида гербарий сифатида тайёрланган. Бир қараганда, бу жўн нарсадек туюлар. Аслида бундай эмас. Ахир буғдой уруғи билан арпани ёки селитра билан аммофосни кўрмасдан туриб ажратолмаётганлар озмунчами?

Хуллас, кўргазмага қўйилган жаҳон андозалари даражасидаги ўқув жиҳозларини кўриб, билмаган киши сўзсиз бирорта ривожланган хорижий мамлакатда ишлаб чиқарилган, деб ўйлаши шубҳасиз.

— Дастлаб, оддий фирма сифатида иш бошлагандик, — дейди биз билан суҳбатда «Элхолдинг» ОАЖ бошқаруви раиси Дониш Шукуров. — Мен аввалдан ҳукуматнинг бирорта йирик лойиҳаси доирасида тадбиркорликни йўлга қўйишни истар эдим. Чунки бунда аниқ мақсад асосида ишни йўлга қўйиш мумкин ва энг муҳими, халққа имкон қадар нафинг тегади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Давлат таълим стандартлари ҳамда республика Президентининг "2004 – 2009 йилларда мактаблар таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг асосий қоидалари республикада ўрта умумтаълим мактаблари ислоҳотига йўналтирилган.

ЎзР Халқ таълими вазирлиги ўрта умумтаълим тизими ислоҳотларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Албатта, бунда ўқув муассасаларини қайта таъмирлашдан тортиб ўқув синфларини замонавий жиҳозлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва кўргазмали қуроллар билан таъминлаш кўзда тутилади.

Таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар халқ хўжалигида янги — таълимни саноатлаштириш секторининг юзага келишига сабабчи бўлди. Ҳозирда республикамизда ушбу йўналишда бир неча давлатга қарашли ва хусусий корхоналар фаолият юритмоқда. Улар ичида эса "Элхолдинг" етакчилик қилмоқда.

## Ҳамкорлик — ютуқлар гарови

Республика Халқ таълими вазирлиги Ўқув-услубий маркази ўрта мактабларни жиҳозлар ва кўргазмали қўлланмалар билан таъминлаш юзасидан мамлакатимиздаги бир қатор корхоналарнинг таклиф-режаларини кўриб чиқди ва айнан "Элхолдинг" тавсияларини энг мақбул, деб топди. Чунки "Элхолдинг"нинг таклиф ва тавсиялари асослилиги, ишлаб чиқариш имкониятларининг кенглиги, бошқа мамлакатлар билан ҳамкорликдаги тажриба ва обрў-эътибори юқорилиги шундай қарор чиқаришга олиб келди. Айни пайтда ХТВда мактабларга олинадиган мебеллар, ўқув-лаборатория жиҳозларининг меъёрларини қабул қилди.

Бундай кенг кўламдаги ўқув жиҳозларини яратиш ва ишлаб чиқариш биргина корхона учун осон эмас. Шу боис "Элхолдинг" бу борада республикамиздаги бир қатор корхоналар билан ҳамкорлик қилиб келади. Хусусан, Самарқанд "Кинап" очиқ турдаги акциядорлик жамияти, «Стеклопластик» заводи, "Дека" қўшма корхонаси, "ДЭУ-ПЭК" корхонаси, "Навоийазот", ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий электрокимё заводи, "Тонг" ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқалар энг яқин ҳамкорлар саналади. Умуман, ўқув муассасаларини таъминлаш бўйича ишлаб чиқариш фаолиятига жами 2500 дан ортиқ киши жалб этилган.

"ЭЛ" ОАЖнинг яна бир ютуғи — маҳсулотларининг арзонлиги. Биргина қиёс: «Саломатлик» дастури бўйича ўтказилган тиббий тендерда жиҳозларнинг битта гуруҳи нархини «Эл» 217 доллар миқдорида баҳолади. АҚШ да ишлаб чиқарилган жиҳозлар тўплами 324 доллар, Россияники 491 доллар эди. Сизнинг хаёлингизга беихтиёр «Уларникининг сифати юқори бўлгани учун шундай» деган фикр келиши табиий. Йўқ, ундай эмас. Биз негадир хориж моллари зўр, бизники яхши эмас, деган мезонга ўрганиб қолганмиз. Мамлакатимизда ҳам яхши, ҳатто экспорт қилиш мумкин бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганига кўникишимиз лозим. Агар шундай бўлмаганда, "ЭЛ" бир неча мамлакатлар ўртасидаги танловда кредитни ютиб чиқармиди? Гап шундаки, яқинда республикамизда мактаб жиҳозлари, лаборатория асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бўйича танлов эълон қилиниб, унда Япония, Германия, Хитой, Туркия каби мамлакатларнинг илғор корхоналари иштирок этганди. "ЭЛ" биринчи босқичда маҳсулотларнинг халқаро стандарт талаблари бўйича ютиб чиққан бўлса, кейинги босқичда молиявий жиҳатдан, яъни нархи жиҳатидан ҳам фойдали, деб топилди.

Ҳозирда таълим тизимида масофадан ўқитиш усули кенг қулоч ёймоқда. Шу маънода, "ЭЛ" астрономия, биология, адабиёт, тарих, математика каби тўққизта фан бўйича махсус электрон дарсликлар ҳам ишлаб чиққан. Буни мактаблар йўналишидаги ҳақиқий янгилик, деса бўлади.

Компьютерга киритилган электрон дарслик саҳифасини очишингиз билан, аввало, фаннинг асоси, моҳияти ҳам овозли, ҳам тасвирли кўринишда ўқувчи кўз олдида намоён бўлиб, уни керакли маълумотлар билан таништира бошлайди. Бундан ташқари, уларга фан йўналиши бўйича луғатлар, тест саволлари, қўшимча маълумотлар киритилганки, бари ўқувчига маълум бир фанни янада чуқур ўзлаштиришида катта ёрдам беради.

## Такомилликка фақат билим билан

Ҳа, замон талаблари даражасидаги мактаб мебеллари, физика, кимё, биология, анатомия фанларини ўқитишда фойдаланиладиган турли колбалардан тортиб ўқув-механик қурилмаларни яратиш осон иш эмас. "Элхолдинг" бунинг учун республика Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, ўрта мактабларнинг етакчи мутахассис ва ўқитувчиларини жалб этган. Яратилаётган маҳсулотлар бўйича ўқитувчилар томонидан билдирилаётган таклиф ва камчиликларни ўрганиш мақсадида вилоятларда махсус кўргазма-семинарлар ва конференциялар ўтказилаяпти ҳамда уларга ўртача 300 нафаргача ўқитувчи таклиф этилмоқда. Билдирилган талаб ва таклиф пухта таҳлил қилиниб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилинмоқда.

Масаланинг эътиборга молик томони шундаки, ишлаб чиқарилаётган ўқув асбоб-ускуналари ва жиҳозлар бир хил шаклга солиниб, бир-бири билан мос келиши таъминланган. Бу ўз ўрнида ўқув дастурларида белгиланган кўплаб лаборатория ишларини ва тажрибаларни олиб бориш имкониятларини кенгайтиради.

Эътиборлиси, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ўзига хос талаблар ҳисобга олинади. Келинг, буни физика ва кимё фанлари лаборатория хоналари мисолида кўриб чиқайлик. Табиийки, физика лаборатория хонасида тажрибалар ўтказиш электр токи бўлишини талаб этади. Бунинг учун, "Элхолдинг" яратган услубга кўра, электр токи ўқув парталарининг ёнидан, пол бўйлаб ингичка қувур ўтказилади. Электр токи кабели ана шу қувур ичида бўлиб, ҳар бир лаборатория столига токка уланиш мосламаси ўрнатилган. Яна бир янгилик томони шундаки, токдан фойдаланиш 42 вольт кучланишда бўлади. Бундай усул МДҲ мамлакатлари орасида республикамизда биринчи бўлиб қўлланилмоқда. Ана шу кучланиш асосида бемалол физик тажрибаларни ўтказиш мумкин ва энг асосийси, хавфсизлик таъминланган.

Кимё лабораторияси хоналарига тўхталадиган бўлсак, улар ҳам ўзига хос, кенг кўламда ўқув тажрибаларини ўтказиш имконини берадиган шаклда яратилган. Аввало, лаборатория стол-стуллари тўғрисида. Уларнинг юзаси физика лабораториясидагидан фарқли равишда, турли хил кимёвий моддалар ишлатилиши ҳисобга олинган ҳолда махсус силлиқ пластик материал билан қопланган. Ҳар бир столга кимёвий тажрибалар давомида фойдаланиш, колбаларни ювиб тозалаш учун жўмрак ўрнатилган. Табиийки, кўпгина мактаблар, айниқса, марказлашган канализация тармоғига уланмаган қишлоқ мактаблари учун эса сал бошқача лаборатория жамланмалари яратилган.

Бугун мамлакатимизда кенг кўламдаги маҳаллийлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида эса қанчалаб валюта тежалмоқда. Шу билан бир қаторда минглаб иш ўринлари яратилаяпти. Бундан-да муҳими, фуқароларимизда бунёдкорлик, яратувчанлик ҳисси кун сайин ошиб бораётганлиги кўнгилга илиқлик бахш этади. «Бир янгилик иккинчисининг туғилишига омил бўлади», деганларидек, эндиликда таълим тизимидаги ислоҳотлар, бу жабҳадаги янгиланишлар ташкилотларни-да руҳлантириб, уларни янгидан-янги ташаббусларга бошламоқда. Эзгуликка хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган тадбиркорларнинг нияти эса ушалмасдан қолмас экан.

Хулоса қилиб айтганда, исмижисмига монанд, эл-юрт юкини енгил қилишга бел боғлаган алломалар «Дунё иморатларининг энг улуғи мактабдир» дейишганида, келажак авлод тарбияси ва уларнинг камолоти назарда тутилганлиги шубҳасиз. Зеро, мактаб сизу бизнинг тақдиримиздадир.

**Рустам ЁРЛАҚАБОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

*Ногиронлар ҳаёти, турмуш тарзини ўрганган ғарблик тадқиқотчилар қизиқ бир хулосага келишган. Бахтсиз тасодиф, кутилмаган эҳтиётсизлик ёки болаликдан тақдирнинг аччиқ зарбасига учраб ногирон бўлиб қолган кимсалар жисмоний заифлик, ожизликларидан кўра атрофдагилар, яқинларининг уларга нисбатан ғамхўрлик, илтифот, хайрихоҳлик, эҳтиром кўрсатишларидан кўпроқ хижолат бўлишар, ўзларини камситилгандай ҳис қилишар экан. Агар жамоатчилик назарида, давлат қарамоғида ва эътиборида бўлса, ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси, мамлакатнинг чинакам фуқаросидай ҳис қилишар экан.*

# Кўнгли яримлар — эъзоз, эътиборда

— Бу анча баҳсталаб хулоса, лекин маълум даражада ҳаётий ҳақиқатга яқин мулоҳаза, — дейди Фарғона вилоят тиббий медицина экспертиза хизмати бош эксперти Муҳаммаджон Умриддинов. — Чиндан ҳам халқимизнинг асрлардан асрларга ўтиб келаётган фазилатларидан бири — ногиронларга беминнат хизмат, иззат-икром кўрсатишдир. Ўзининг қадр-қимматини билган ҳеч бир ўзбек оиласи ногирон жигаргўшасини кўчага ташлаб қўймайди, меҳрибонлик, саховат уйларига топширмайди. Лекин ҳамиша ўз яқинлари оғушида, эътиборида бўлиш бошқа-ю, кўчадан, айниқса, давлат номидан ҳол-аҳвол сўраш бошқа экан.

Тиббий медицина экспертиза муассасаларида асосан шифокорлар хизмат қилади. Лекин муассаса Ижтимоий таъминот вазирлиги тасарруфида. Чунки бу ерга нажот ва паноҳ излаб келаётган кимсаларнинг аксарияти кўнгли ярим, у ёки бу даражада қисматнинг аччиқ касрига учраган кимсалардир. Уларга Яратганнинг берган кўргилиги етарли, кўнгиллар фақат бироз эътибор, андак эъзоз, мисқолдай меҳр-муҳаббат истайди, холос.

Шу мулоҳазалар асносида йил аввалида вилоят ҳокимининг ўринбосари Асқарали Рустамов билан Олтиариқнинг Повулғон қишлоғида бир умр поезд йўл бекатида кузатувчи бўлиб ишлаб, эҳтиётсизлик туфайли оний лаҳзада икки оёғидан маҳрум бўлиб қолган, отахон хонадонига ногиронлар аравачасини топширганимизда бўлиб ўтган суҳбат ёдимга тушди.

— Асли менга ногиронлик нафақаси, қолаверса аравачанинг ҳам зарурияти йўқ. Мени фарзандларим боқиб олади, истаган еримга опичлаб елкасида олиб борадиган саккизта ўғлим бор. Гап бошқа ёқда. Ҳар сафар почтачи пул олиб келганда ўзимни гўё вокзалнинг кассасидан пул олгандай ҳис қиламан, кўз олдимдан бир-бир қадрдон жамоам, энг тушкун кунларимда ёнимдан жилмаган қадрдон касбдошларим ўтади. Ўзимни ҳамон улар сафида ҳис қиламан. Энди мана бу аравача эса менга Юртбошимизнинг «Нексия» совғасидай ардоқли. Демак, мен ҳамон шу юртга даркор эканман. Мустақил Ўзбекистоннинг фуқароси эканлигимни ҳис қилдим.

Энди ана шу туйғу, ҳис-ҳаяжон, фахр-ифтихорни вилоят тиббий экспертиза хизмати томонидан кўрикдан ўтказилиб, ногиронликнинг турли гуруҳларига лойиқ топилган 30 мингдан зиёд кўнгли яримлар шодлигига менгзаб кўринг. Ахир бу бир жамоа, бир қишлоқ эмас, бутун бир бошли шаҳарчанинг шодлигига, байрамига, қувончига айланади-ку.

Мазкур йил — «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилингандан сўнг тиббий экспертиза хизмати белгиланган дастурлар, режаларни қайтадан кўриб чиқди. Шу қисқа муддат ичида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида маҳалла кенгашлари, соғлиқни сақлаш бўлимлари, поликлиникалар мудирлари иштирокида ногиронлик нафақаси олиш ҳуқуқини берувчи маълумотларни текшириш, таҳлил қилиш, айниқса, эътибордан соқит бўлган, болаликдан ногиронлигини айтишга, ошкор қилишга уяладиган ўсмирларни аниқлаш масалаларига бағишланган мулоқотлар, суҳбатлар ўтказилди.

Бу хайрли тадбирлар қисқа вақт ичида ўз самарасини бермоқда. Шу йилнинг ўтган муддатида салкам 20 мингдан зиёд ногиронлар кўрикдан ўтказилди. Уларнинг деярли ярмини ногирон болалар ташкил этади. Айниқса, турли сабаблар билан кўрикка келишдан бош тортаётган ногиронлардан 500 нафари текширишга жалб қилиниб, турли тарифдаги хизматларга жалб этилди.

Экспертиза хизмати ногиронларни фақат текшириш, маълумот ва хулоса бериш билангина чегараланиб қолгани йўқ. Шу йилнинг биринчи чорагида 270 нафар ногиронга реабилитация марказида ётиб даволанишга йўлланма берилган бўлса, уларнинг 51 таси тўлиқ даволанди, 60 тасининг ногиронлик гуруҳлари қисман ўзгартирилди. 150 нафар ногиронга протез маҳсулотлари олишга йўлланма берилди. 883 та ногироннинг эса меҳнатга лаёқати аниқланиб, меҳнат бандлиги хизматларига тавсиялар юборилди. Шуниси қувончлики, улардан 70 нафари муқим иш жойига эга бўлди. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан ташкил этилган ҳаракатдаги кўрик комиссияси меҳнатга лаёқатсиз, тўшакка михланиб қолган 237 нафар ногиронни уйларида кўрикдан ўтказди. Улардан 189 нафарига I гуруҳ, 48 нафарига II гуруҳ ногиронлиги бериш лозим деб топилди.

Ушбу мақолани тайёрлаш асносида вилоят тиббий экспертиза хизматидан қизиқ бир фактни айтиб қолишди. Агар 2000 йилда 42109 киши ногиронлик гуруҳини олиш учун мурожаат қилиб, улардан 37743 нафари ногирон деб топилган бўлса, ўтган йили мурожаат қилганлар сони 33.000 тага тушган, ногиронлик гуруҳини олганлар эса 30.000 минг нафарни ташкил этган, холос. Агар бундан 5 йил аввал вилоятдаги ҳар 10.000 аҳолига 44 нафардан ногирон тўғри келган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич тенг ярмига камайибди.

Хўш, бу яхшими-ёмонми? Балки баъзилар, «нафақани ёнидан беришармиди, Асакалари кетмайди-ку!» дейишлари мумкин. Лекин масаланинг бошқа томони бор. Тиббий экспертиза хизматида ижтимоий адолат ўрнатилди. Турли баҳоналар, таниш-билиш, ошна-оғайничилик билан сохта «ногирон» бўлиб олиб, таралла бедод қилиб, давлат нафақасини туя қилаётганларнинг илдизига болта урилди. Энг муҳими вилоят бўйича ҳар ойда давлатнинг 100 миллион сўми тежаб қолинди.

Бу ишларнинг ҳаммаси тиббий экспертиза хизматига М. Умриддинов бош эксперт бўлганидан сўнг амалга оширилганини алоҳида таъкидламоқ жоиз.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон 134-48-11.

«Азовские масла и смазки» ОАЖда
(Бердянск ш., Украина) ишлаб чиқарилган
**карбюратор ва дизель двигателли енгил ҳамда кичик ҳажмда юк ташишга мўлжалланган юк автомобиллари учун**
М-20/4040 (М63/14г) маркали
«АЗМОЛ» УНИВЕРСАЛ МОТОР МОЙИ.
Ёпишқоқлиги бўйича APISF/CCSAE 20W-40. ETHYL (АҚШ) фирмасининг қўшимчалари (присадка) асосида ишлаб чиқарилган.
Эълон чоп этилган кунга 1 та канистра баҳоси:
5 л. — 7000 сўм,
4 л. — 5600 сўм,
1 л. — 1600 сўм.


Тўлов шакли — турлича.
Товар сертификатланган
Тошкентдаги телефонлар:
68-58-08 (улгуржи сотиш),
191-56-54, 75-19-00 (чакана сотиш).

Жаҳон спорти

### *Майк Тайсон рингга чиқишга тайёр*

**Машҳур боксчининг мураббийи Фредди Роуч «Темир Майк» бугун АҚШнинг Луисвилл шаҳрида британиялик Денни Уильямс билан бўладиган учрашувга тайёр эканини билдирди.**



**Мураббийнинг айтишича, Тайсон бу беллашувда ғалаба қозонишига шубҳа йўқ. Шундан сўнг, Тайсон Виталий Кличко билан рингда учрашишга тайёргарликни бошлайди.**

**Майк Тайсон бугун сўнгги бир ярим йил ичида биринчи бор рингга чиқади.**

### *Афина: қурилишлар ва намойишлар*



**Тез кунларда бошланадиган навбатдаги ёзги Олимпиада мезбони Афинадан келаётган хабарларни икки тоифага бўлиш мумкин. Греция пойтахтида топширилаётган янги спорт иншоотлари билан бир қаторда, у ерда турли соҳа касаба уюшмалари ўтказаётган намойишлар ҳақида ҳам маълумотлар кўпаймоқда.**

**Бу сафар шифокорлар ўз талабларини қондиришни сўраб, намойиш уюштиришди. Чоршанба куни Афина яқинидаги Пирей шаҳарчасида жойлашган шифохона ходимлари ҳам огоҳлантирувчи намойиш ўтказишганди. Шифокорлар Олимпиада ўтказилаётган пайтда уларга қўшимча ҳақ тўланишини талаб қилишмоқда.**



### *Фишернинг апелляцияси қабул қилинмади*

**Япония иммиграция хизмати шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Бобби Фишернинг мамлакатдан қалбаки паспорт билан чиқиб кетишга ҳаракат қилганликдаги айбини бекор қилиш бўйича апелляциясини қабул қилмади. Фишер қайта апелляция беришга ҳозирланмоқда. Собиқ чемпион ўзининг Японияда ҳибсга олинишини «Токио ва Вашингтон уюштирган ўғирлик» деб баҳоламоқда.**

# Қаллоб тадбиркорлар фош этилди

Қилмиш-қидирмиш

Ўлкамизда айни саратон. Бу кунларда ниманинг бозори чаққон — сувнинг, салқин ичимликларнинг. Ҳаммамизга аёнки, бугун уларнинг тури-ю хилининг санаб саноғига етиш қийин. Ким хоҳласа, ўша ичимлик ишлаб чиқаряпти! Бунга савдо дўконларида, пештахталарда, кўча-кўйларда, ҳар қадамда тахлаб қўйилган турли хил ичимликлар — далил. Албатта, аҳоли эҳтиёжини қондиришни ўйлаб бу маҳсулотларни таъмли-сифатли ишлаб чиқараётганларнинг отасига раҳмат.

Бироқ, кўзни ўйнатувчи ана шу ичимликларнинг ҳаммаси ҳам санитария-гигиена қоидалари талабларига жавоб берадими? Ушбу салқин ичимликлар соғлиғимизга зиён эмасми? Шулар ҳақида ҳам ўйлаб, харид қилаётганда сифатини суриштириб кўрсак, фойдадан холи бўлмайди. Бунга эса истеъмолчилар ҳуқуқларига оид қонун-қоидалар изн беради. Бунча ваҳима нега керак дейдиганлар бўлса, шошилманг. Сабаби, қўлбола салқин ичимликларни хонадонларда, ертўлаларда антисанитария шароитида тайёрлаётган «уддабурон»лар фош этилаётгани ягона ҳодиса эмас. Афсус. Назорат органлари ҳар йили кўплаб бунақа сохта, инсофсиз-диёнатсиз «тадбиркорлар»ни қўлга тушираётгани бор ҳақиқат. Худо кўрсатмасин уларнинг водопроводи сувиданми тайёрланаётган бу истеъмол маҳсулотларига бирон касаллик қўзғатувчи микроблар аралашиб қолса-чи?

Яқинда ана шундай «учар тадбиркор»лардан уч нафарига нисбатан суд ҳукми ўқилди. Улардан бири — Баҳром Раҳимовга суд мажлисида савол бердим:

— Сиз ўзингиз тайёрлаган ичимликларни болаларингизга ичирасизми?

— Йўқ, — деди у хотиржам.

Демак, сиз ва биз — истеъмолчиларнинг фарзандларимиз ичавериши мумкин, у эса ўзининг болаларига раво кўрмайди. Нега? Демак, унинг ичишига яроқлилигига ўзи ҳам кафолат беролмайди.

Ўттиз беш ёшни қоралаган бу йигит қўлбола салқин ичимлик ишлаб чиқариш билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келган. Ҳатто шу юзасидан судланган. Аммо шунга қарамай қаллобликни яна давом эттирган. Қонунларимизнинг, Амнистия актларининг инсонпарварлигини суиистеъмол қилган. Биринчи марта Миробод тумани судининг 1994 йил 3 мартдаги ҳукмига кўра, жаримага тортилган. Иккинчи бор 1999 йилда Ўрта Чирчиқ тумани суди томонидан унга нисбатан 132 минг сўм жарима қўлланган. 2001 йилда Бектемир туман суди 4 ой 20 кун қамоқ жазоси тайинлаган. Бироқ Б. Раҳимов бу енгил жазодан ўзига тўғри хулоса чиқариб олмаган.

Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани судининг 2004 йил 15 июндаги ҳукмига кўра Раҳимовга бир йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. У жазони манзил колонияларида ўтайди. Унинг жиноят устида ушланган — Қўйлиқ кўчасидаги 79-уйда қўлбола ичимлик тайёрлашда «қарашаётган» шериклари Шуҳрат Шералиев ва Элёрбек Мирзааҳмедовларга ҳам тегишли жазо тайинланди. Норин туманилик бу ҳамтовоқлар қилаётган ишларининг ноқонунийлигини била туриб ўзларини тиёлмаганлар. Афсус...

**Ёқутхон ҲАЙДАРОВА,**
**Жиноят ишлари бўйича Миробод тумани суди раиси.**

ESENYA ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
ESENYA Bau- und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland




НОГИРОН БОЛАЛАР УЧУН ЎЙИН МАЖМУАЛАРИ





Барчага маълумки, ҳаётда содир бўладиган айрим фалокатли ҳодисалар сабабли ногирон бўлиб қолган болалар ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш қувончидан маҳрум бўладилар. Бу ҳолатлар уларнинг характерлари тобланишига, дунёқарашлари шаклланишига, атроф-муҳитга бўлган муносабатларига ўз таъсирини кўрсатади.

Бундай болаларда норасолик жиҳатлари шаклланади. Бизнинг вазифамиз — боланинг ушбу камчиликларни енгиб ўтишига ёрдам бериш.

Шунинг учун мутахассислар билан ҳамкорликда ногирон болалар учун болалар мажмуалари, ўйин тизимлари ишлаб чиқарилган бўлиб, улар бунда ўзларининг заифликларини эсдан чиқарадилар, соғлом болалар билан ўйин жараёнига жалб этиладилар.

Болалар руҳияти таъсирчан бўлганлиги сабабли улар тезда ўзларидаги нуқсонларни ва ноқулайликни эсдан чиқарадилар.

Болалар юзидаги табассумни кўриб, меҳнатимиз зое кетмаётганлиги ва кимларгадир шодлик келтираётганлигини қониқиш билан ҳис этамиз.









**Ногирон болаларга мўлжалланган соғломлаштириш мажмуалари ва ўйин тизимларини ишлаб чиқарган фирмамиз 2002 йилнинг декабрь ойида Брюссель шаҳрида ўтказилган «ЕВРОМАРКЕТ-2002» танловида лауреат бўлди.**

**Бош менежер Шавели Матвелиев.**

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

***Корхона ва ташкилотлар диққатига!***

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОСИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ҲУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ**

*иншоотларни тўлиқ қуриб битказиш учун (калити билан) танлов савдосини эълон қилади.*

1. **Навоий вилояти, Томди тумани, «Томди» ширкат хўжалигидаги янги ерларни суғориш тизими қурилиши.** *Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.*
2. **Навоий вилояти, Хатирчи тумани, П.Мўминов насос станциясини реконструкция қилиш.** *Қурилишни тугаллаш муддати — 3 ой.*

***Буюртмачи — Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 24-уйда жойлашган 24-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси.***
***Қурилиш ишлари давлат бюджети ҳисобидан олиб борилади.***

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).*

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси —

***Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда жойлашган Капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказигамурожаат қилишлари мумкин. Тел/факс: 225-53-85.***

*Бир тўплам (комплект) ҳужжатларнинг қиймати қурилиш учун — 50 минг сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб, камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда очилади: Навоий шаҳри, Низомий кўчаси, 24-уйда жойлашган 24-сонли қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси биносида ўтказилади.*

ЭЪЛОН

*«Ўзбекистон», «Меҳнат», «Ўзбланкнашр» нашриётлари ва Тошкент матбаа комбинати бирлаштирилиб, уларнинг негизида ворис «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ташкил этилиши муносабати билан барча эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади:*

*144-38-10; 144-34-01; 144-22-27; 49-46-06.*

***(«Халқ сўзи» газетасининг навбатдаги сони 3 август — сешанба куни чиқади).***

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ !
ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ · STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK · BANK
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси жамоаси инспекция бошлиғи Ботир Тешабоевга ўғли **ЖАҲОНГИРнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси илмий ходим Жўра Маматовга отаси **Тўхтамурод МАМАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси «Ахборот» дирекцияси жамоаси Хоразм вилояти бўйича ўз мухбири Исмоил Шомуродовга укаси **Йўлдош ШОМУРОДОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;*
*Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 869. 22202 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[т]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.00 Топширилди — 1 2 3 4 5